

**“Миробод дехкон бозори» АЖининг навбатдан ташкари Умумий мажлис
баенномаси**

2016 йил 3 октябр

Тошкент шаҳри

Умумий чиқарилган акциялар сони – 2447665 дона

Жами жойлаштирилган акциялар сони – 1302753 дона

Бу дегани кворум бор

Мажлисда катнашганлар:

Жами акциядорлар сони 22 та 1264072 та овоз билан катнашиб, мажлис ўтказиш учун кворум 97,03 фоизни ташкил этди. Жамият устав жамғармасининг 96.02 фоизига эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлими бошлиғи Камолов Толмас Каримович қатнашди.

Мажлисда Кузатув кенгаши раиси Т.Камолов раислик қилди.

Жамият бошқаруви, акциядорлар ва муттасадди ходимлар.

Мажлис раиси йигилишни очиш учун кимда қандай таклиф булади. Йигилиш очилсин деган таклиф тушди. Ким бу таклифни маъқуллайди, овоз беришингизни сурайман. Бир овоздан қабул қилинди. Мажлис очик деб эълон қилинди.

Мажлис президиумига 3 киши: Т.Камолов, О.Маликов, У.Отабоевларнинг номзодлари таклиф этилди.

Мажлис котиби этиб- С.Назарова сайланди.

Санок комиссияси раиси-А.Мирасулов, сонак комиссияси аъзолари М.Бурхонова ва М.Араббаевалар бир овоздан сайландилар.

Мажлис катнашчилари томонидан таклиф этилган номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Мажлис раиси Умумий мажлис кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини мажлис катнашчиларига маълум қилди.

Мажлис кун тартиби:

1. *Жамиятда корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.*
2. *Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.*
3. *Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:*
 - *Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;*
 - *Ички назорат тўғрисидаги низом;*
 - *Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;*
 - *Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;*

Мажлис раиси Т.Камолов сузга чиқиб, кун тартибидagi масалаларни мажлис муҳокамасига киритишни таклиф этди ва мажлис катнашчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Мажлис катнашчилари томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан регламент ҳақида келишиб олинди. Жамият аъзолари томонидан сузга чиқаетган маърузачилар учун ажратилган ва қуйидагича таклиф этилади.

Кун тартибидagi масалаларга 5 минутдан вақт ажратилди.

Санок комиссияси раиси мажлис муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан бюллетенларга қай тартибда овоз бериш, қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча бериб утди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият директори У.Отабоев сузга чикиб, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалада “Жамиятда “Корпоратив бошқарув Кодекси”ни жорий қилиш ва тасдиқлаш” кўринишида кўриб чиқилганлигини ва умумий йиғилиш қарорига биноан “Жамиятнинг “Корпоратив бошқарув Кодекси” иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унга риоя қилиш тасдиқлансин. “Корпоратив бошқарув кодекси”га илова тариқасида ишлаб чиқиладиган низом ва йўриқномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи жамият Кузатув кенгашига берилсин” этиб қарор қабул қилинганлиги, лекин Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қумитасининг 2016 йил 29 августда 4048/02-09-сонли хатида бир қатор акциядорлик жамиятларида, шу жумладан бозорлар ҳамда савдо комплексларида корпоратив бошқарув кодекси акциядорлар умумий йиғилишида талабга мувофиқ қабул қилинмаганлиги муносабати билан ушбу масalani қайтадан кўриб чиқиш зарурияти тугилганлигини айтди ҳамда кун тартибидаги масала буйича тулик тушунтириш бериб утиб, жамиятда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш таклифини берди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар булмаганлиги сабабли, акциядорлардан уз бюллетенларига муносабатларини билдиришлари мумкинлигини билдирди.

Кун тартибидаги иккинчи масала буйича жамият мутахассиси А.Мирасулов сузга чикиб, жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш буйича таклиф билдириб, хабар бериш шакли билан йиғилиш катнашчиларини таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар булмаганлиги сабабли, акциядорлардан уз бюллетенларига муносабатларини билдиришлари мумкинлигини билдирди.

Кун тартибидаги учинчи масала буйича жамият мутахассиси А.Мирасулов сузга чикиб, жамиятда корпоратив бошқарув кодекс талабларига риоя этиш мажбуриятини оилш муносабати билан бир қатор жамиятнинг ички ҳужжатларини қабул қилиш зарурияти тугилганлигини маълум қилиб, улар билан яъни, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги, ички назорат тўғрисидаги, ахборот сиёсати тўғрисидаги ва дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомлар лойиҳалари билан йиғилиш катнашчиларини таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар булмаганлиги сабабли, акциядорлардан уз бюллетенларига муносабатларини билдиришлари мумкинлигини билдирди.

Кун тартибидаги барча масалалар муҳокамаси тугагандан сунг санок комиссияси бюллетенларни йиғиб, қутини очганда 22 та бюллетен 1264072 та овоз билан катнашаётгани аниқланди. Санок комиссияси узи тайёрлаган баенномани уқиб эшиттирди ва қуйидаги тартибда овоз берилганлиги маълум қилди.

Биринчи масала: розилар- 1264072 овоз 100 %, қаршилар йўқ , бетарафлар йук.

Иккинчи масала: розилар- 1264072 овоз 100 %, қаршилар йўқ , бетарафлар йук.

Учинчи масала: розилар- 1264072 овоз 100 %, каршилар йўқ бетарафлар йук.
(Санок комиссияси баенномаси илова килинади)

Кун тартибидаги муҳокама этилган масалалар юзасидан куйидаги қарор қабул қилинди.


Қ А Р О Р:

1. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баенномаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти олинсин.

2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шакли 1- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг ички ҳужжатлари яъни, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги, ички назорат тўғрисидаги, ахборот сиёсати тўғрисидаги ва дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомлари тасдиқлансин.

Мажлис раиси



Т.Камолов

Мажлис котиби



С.Назарова.

«Миробод деҳқон бозори» акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2016 йил 3 октябрдаги умумий йиғилиш
баённомасига

1-сонли илова

**Акциядорлик жамиятлари томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз
фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида**

ХАБАР БЕРИШ ШАКЛИ

«Миробод деҳқон бозори» АЖ шуни маълум қиладики, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг «03» октябр 2016 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан жамият томонидан «01» январ 2017 йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг «31» декабр 2015 йил № 9 баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.